

Ёнғин Хавфсизлиги фани

Умумий ўқув соати -164 соат

Шу жумладан: Маъруза-32 соат (4 семестр – 32 соат)

Сменаар машғулотлари-32 соат (4 семестр- 32)

Мустақил таълим соати – 100 (4 семестр -100 соат)

Курс иши

1-ЛЕКЦИЯ

МАВЗУ:

Кириш. Ёнғин хавфсизлигини
таъминлаш хизмати.

Доцент Утепов Б.Б.

Режа:

1. Кириш
2. ЁХА фани ҳақида тушунча.
3. ЁХА фани мақсади ва вазифалари.
4. Фаннинг асосий тушунчалари ва таърифлари.

КИРИШ

- ▶ Инсонлар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисмларидан бири бу – **ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш** ҳисобланади.
- ▶ Республикада сув ва қишлоқ хўжалигининг юксалтиришда, одамлар турмуш маданиятини ва шароитининг ўстиришда, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашиб боришида ва уларни ёнғиндан муҳофазалашда **“Ёнғин хавфсизлиги”** фанига ва унинг сифат кўрсаткичларига бўлган талабалар ҳам ошириб боради.
- ▶ Демак, шундай шароитларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғинни ўчиришдаги асосий омил **сув ва сув таъминоти тизимининг мукамаллашуви**, унинг узлуксиз ва ишончли ишлаши билан чамбарчас боғлиқдир.

- ▶ Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш аҳоли ҳаётини, корхоналардаги технологик жараёнларни ва жамиятнинг тинчлик-осойишталигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисми ҳисобланади.
- ▶ Бу жараёнлар бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни бир мураккаб тизим элементларининг биргаликда ишлаши кўринишида қараш лозим.
- ▶ Ёнғинлар ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоклари, жумладан саноат корхоналари, сув ва қишлоқ хўжалиги ва турар жойларда юз бериши мумкин бўлган, етказиладиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиш даражасида бўлган ҳодиса ҳисобланади.
- ▶ Шунинг учун ҳам **ёнғинга қарши кураш фуқароларнинг умумий бурчи ҳисобланади ва бу ишлар давлат миқёсида амалга оширилади.**

- ▶ Мустақил Ўзбекистон Республикасида “**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги**” қонуннинг 2009 йил 24 июнда қабул қилиниши ва Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланиши, ҳамда ёнғин хавфсизлигини ташкил қилиш бўйича бошқа **норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлигини таъминлаш умумдавлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.**
- ▶ Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга аҳоли кенг қисмини жалб қилиш, маҳаллаларда **ёнғин хавфсизлиги бўйича кўнгилли жамиятлар тузиш, корхоналарда эса кўнгилли ёнғинни ўчириш отряд ва дружиналарини ташкил қилиш** катта аҳамият касб этмоқда.

“Ёнғин хавфсизлиги” фанининг мақсади

авария ва ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлган ёниш ва портлаш оқибатларининг олдини олиш, ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш учун мутахассисларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш, ёнғин ва портлаш содир бўлган ҳолатларда ишчи ва хизматчиларни тўғри ҳаракат қилиш ва ҳимояланишга ўргатишдир.

Фаннинг асосий вазифалари:

Ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифалари:

- ▶ ёниш параметрларини амалий ва тажриба йўллари билан аниқлаш,
- ▶ ёниш жараёнининг потенциал портлаш хавфлилигини таҳлил қилиш,
- ▶ жараённинг термодинамик ва экзотермик параметрларини аниқлаш усулларига ўргатиш,
- ▶ ёнғин юз берганда фуқаролар муҳофазасини ва моддий бойликларни асрашни ташкил этиш,
- ▶ зарбали тўлқинларда босимни ҳисоблаш,

Фаннинг асосий вазифалари:

- ▶ қурилиш конструкцияларини ўтга бардошлилигини ошириш, материалларни ёнмайдиган тоифага ўтқозиш,
- ▶ ёниш жараёнининг турли параметрлари – ўз - ўзидан алангаланиш,
- ▶ чакнаш ҳарорати, ўз ўзидан ёниш, кислород индекси ва бошқаларни аниқлаш,
- ▶ куйган ва талафот олганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳим вазифаларни бажара оладиган билим, кўникма ва касбий малакага эга инсонни тарбиялашга қаратилган.

Фаннинг асосий тушунчалари ва таърифлари

- ▶ **Ёнғин хавфсизлиги:** аҳолининг, халқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни ҳамда табиий атроф - муҳитни ёнғиннинг хавфли омилларидан ва таъсиридан муҳофазалашганлик ҳолатига, одамлар ва моддий бойликларни тезкор эвакуация қилиш, ёнғинни чеклаш ва ўчириш учун шароит яратиш.
- ▶ **Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш:** ҳуқуқий—меъёрий ҳужжатларни, ёнишдан хавфсизлик қоидалари ва талабларини қабул қилиш ва уларга риоя қилиш ҳамда ёнғинга қарши тадбирларни ўтказиш.
- ▶ **Ёнғин:** D.st, 051 982.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар".

- ▶ **Ёнғин хавфи:** ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши, тартиб ва чораларга риоя қилмаслик натижасида ёнғин пайдо бўлиши ва тарқалиш эҳтимоли.
- ▶ **Ёнғин хавфсизлиги талаблари:** Ўзбекистон Республикаси махсус ваколатланган давлат органлари томонидан амалдаги қонунчилик ёки Меъёрий ҳужжатларда ёнғиндан хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилган махсус шароит ёки ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги қоидалар.
- ▶ **Ёнғинга қарши тадбирлар:** ёнғинга қарши тартиб—қоидага риоя қилиш, ўз вақтида ёнғиннинг олдини олиш ва (ёки) тез ўчиришга қаратилган ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги тадбирлар.

▶ **Ёнғинга қарши ҳолат:** ўт ўчирувчилар командаси томонидан амалга ошириладиган, ёнғинга қарши тадбирларнинг доимий ўтказилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши ва ёнғинга қарши хизматнинг аниқ бажарилиш ҳолати.

▶ **Ёнғиндан сақлаш:** ёнғиннинг олдини олиш ёки тўғридан-тўғри ўчириш мақсадида олиб бериладиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа тадбирлар тизими.

- ▶ **Ёнғин ва портлаш хавфи** мавжуд объект: фавқулодда вазиятлар юз беришига аниқ таҳдид солувчи, енгил алангаланадиган ва ёнғин - портлаш хавфи мавжуд моддалар ишлаб чиқариладиган, фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ёки транспортда жўнатиладиган объект.
- ▶ **Портлаш:** модданинг физик ва кимёвий ўзгариши туфайли чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиши натижасида теварак - атрофда техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлишга ёки келтириб чиқаришга қодир бўлган зарбали тўлқин ҳосил бўлиши ёки тарқалишига сабаб бўлувчи тез кечар жараён.
- ▶ **Портлаш хавфи мавжуд модда:** маълум таъсир натижасида портлашга мойил бўлган модда.

- ▶ **Зарба тўлкини:** портлаш натижасида ҳосил бўладиган ва бутун фронт бўйлаб босим, ҳарорат, зичлик ва муҳит заррачалари (умумий тезлик) ўзгариши билан сиқилиш - ҳавоси сийракланган ҳолатда тарқаладиган ҳаво тўлкини.
- ▶ **Зарба тўлкини fronti:** портлаш марказидан товуш тезлигидек юқори тезликда ҳаракатланувчи сиқилган ва мўътадил муҳит ўртасидаги бўлиниш юзаси.
- ▶ **Зарба тўлкини frontiдаги ортиқча босим:** зарба тўлкини frontiдаги энг юқори босим ва фронт олдидаги мўътадил атмосфера босими орасидаги фарқ.

- ▶ **ДЁХХ (Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати)**
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Ички ишлар Вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бўлинмалари базасида ташкил этилди.
- ▶ ВМнинг 267-44-сонли Қарори 2001 йил 25 июнда тасдиқланган.
- ▶ **Хозирги кунда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги тафақурида.**

- ▶ **Тоифаланган ёки тоифаланмаган шаҳарлар ва туманлар** - ёнғин чиқиш хавфи вазияти, даражасини, ёнғин ва портлаш хавфи бўлган ўта муҳим объектлар миқдорини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, стратегик ва муҳофаа аҳамиятини, шунингдек, Аҳоли сонини ҳисобга олиб, туманлар ва шаҳарларга қуйидаги тоифалар белгилаб қўйилган: **тоифаланмаган** туманлар ва шаҳарлар, **биринчи** ва **иккинчи** тоифадаги шаҳарлар ва туманлар.
- ▶ Худудида ҳаётий фаолиятни таъминлаш учун муҳим бўлган объектлар (нон заводлари, сув тозалаш иншоотлари), вилоят аҳамиятига эга саноат объектлари бўлган туманлар ва шаҳарлар - **биринчи тоифа** қаторига киради, қолган барча шаҳарлар ва туманлар эса - **иккинчи тоифа** қаторига киради.

- ▶ **Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш** - Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низомга асосан барча халқ хўжалиги объектларида ДЁН органлари томонидан олиб бориладиган текшириш.
- ▶ **Ёзма кўрсатма** - ДЁН органлари томонидан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда хонадонларнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишлари текширилганидан сўнг 5 кун муддат ичида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун корхона раҳбарларига (хонадон эгаларига) тақдим этиладиган ҳужжат.
- ▶ **Комплекс текширишлар** - халқ хўжалиги тармоқлари, шаҳарлар ва бошқа Аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни текширишга айтилади. Бу текширишлар ЎзР ФВВ ЁХББ, ҚР ФВВ, Тошкент шаҳар ФВБ ва вилоятлар ФВБ ЁХБларининг иш режалари асосида ўтказилади.

► **Меъёр-амалиёт ишлари** - бу ишлар ДЁН органлари томонидан ёнфинга қарши тадбирларнинг амалдаги лойиҳалаш меъёрлари ва қоидаларининг лойиҳалаш, янги қурилиш, таъмирлаш ва қайта техник жиҳозлаш, қурилатган майдонларда ёнфинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш ишларини такомиллаштириш, халқ хўжалиги масканлари ва турар жойларининг қурилиши мобайнида ёнфинга қарши тадбирларнинг тўла-тўқис бажарилиши, лойиҳалаш даврида содир бўлган ёнфинларнинг таҳлили асосида лойиҳалаш меъёрларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилади.

► **Ёнфинларни текшириш** - ДЁН хизматида ҳар бир содир этилган ёнфинни тўлиқ ўрганиш ишларига айтилади. Текширувнинг асосий мақсади ёнфин чиқиш сабабини, айбдор шахсларни ва жиноят таркибининг бор-йўқлигини аниқлашга қаратилади. Ёнфин бўйича текширув ва суриштириш ишлари ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг талаблари асосида 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

- ▶ **Маъмурий-ҳуқуқий фаолияти** - ДЁН органларининг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти ёнғин хавфсизлиги қоидалари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бузилишининг олдини олиш ва огоҳлантиришга қаратилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни олиб бориш ДЁН ходимлари томонидан ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс талаблари асосида амалга оширилади
- ▶ **Ёнғин хавфсизлиги қоидалари** - масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар тўплами. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари республикага ёки тармоққа оид бўлиши мумкин.
- ▶ Бу қоидалар манфаатдор вазирликлар томонидан ЎзР ФВВ ЁХББ иштирокида ишлаб чиқилади ва ЎзР ФВВ томонидан тасдиқланади. Тармоққа оид қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ЎзР ФВВ ЁХББ томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин.

- ▶ **Ўзбекистон Ёнғинга қарши кураш жамияти** - Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1996 йилнинг 26 июлида рўйхатдан ўтган, 142п-сонли гувоҳнома. Жамиятнинг раҳбар органи - Қурултой, Кенгаш Фаолиятининг асосий мақсади республика халқ хўжалиги ва турар жойларда ёнғиндан сақлашни таъминлаш учун аҳоли кенг қисмига ёнғиндан сақлаш ва унга қарши курашиш борасидаги амалий ёрдам берувчи ташкилот.
- ▶ **Ёнғин хавфсизлиги** - объектда ёнғин чиқиш эҳтимоли истисно бўлган ҳолат, агар ёнғин чиқадиган бўлса, унда ёнғиндаги хавфли омилларнинг одамларга таъсирининг олди олинган ҳамда моддий бойликларнинг химояси таъминланган бўлади.
- ▶ **Ёнғинни бартараф этиш тизими** - ёнғиндаги хавфли омилларнинг одамларга таъсирини бартараф этишга ва унда кўриладиган моддий бойликларнинг зарари миқдорини чеклашга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техник воситаларнинг мажмуи.
- ▶ **Ёнувчанлик** - модда, материал, аралашма, конструкциянинг мустақил ёниши эҳтимолининг мавжудлиги.

▶ АДАБИЁТ ЛАР

- ▶ 1. Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тугрисида» ги Ўзбекистан Республикаси Қону ни.
- ▶ 2. «Национальная программа подготовки кадров». Закон Республики Узбекистан, принятый IX сессией Олий Мажлиса 29 августа 1997 года. Т ., «Узбекистан», том 6, стр. 245-266, 1998 год.
- ▶ 3. УзР ВМ нинг 17.05.1993 й «Ўзбекистан Республикасида Давлат ёнгин назорати тугрисида» ги 227-сонли Қ,арори.
- ▶ 4. УзР ВМ нинг 29. 06. 1995 й «Қунгилли ёнгин учирувчилар дружинаси (КЁУД), Ёш ёнгин учирувчилар дружиналари (ЁЁУД), Ёнгин - техник комиссиялари (ЁТК) Низомларини тасдиқлаш тугрисида» ги 243-сонли Қарори.
- ▶ 5. УзР ВМнинг 2001 йил 29 июн кунидаги «Ўзбекистан Республикаси ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги 267-44 сонли Қ,арори.
- ▶ 6. Давлат ёнгин назорати фаолиятини ташкиллаштириш қулланмаси. УзР ИИВ нинг 22. 09. 1993 йил 344- сонли буйруги.
- ▶ 7. Ёнгинларни ҳисобга олиш қоидаси, УзР ИИВ нинг 2002 йил Қ: 128 сонли буйруги.

- ▶ 8. Ўзбекистон Республикаси Ёнгига қарши кураш жамиятининг Низоми.
- ▶ 9. Назорат органларининг мувофиқлаштириш масалалари бўйича Қулланма.
- ▶ 10. Ёнги назоратини ташкиллаштириш фанидан маърузалар матни туплами.
- ▶ 11. А.Д.Худоев ва бошқалар. Ёнги хавфсизлиги қоидалари туплами. ЎЗР ИИВ ЁХОТМ.
- ▶ 12 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги Кодекси.
- ▶ 13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- ▶ 14 Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги хизмати фаолиятини ташкиллаштириш Низоми» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 20 апрелдаги №117 сонли буйруғи.
- ▶ 15. Савельев П. С. Халқ хужалиги масканларида ёнгиларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш. - М .: Стройиздат, 1985,360 с. 18 Сборники правил пожарной безопасности.

- ▶ 16. «Ёнгинларни суриштириш» фанидан маъруза матнлари туплами (1-кисм), УзР ИИВ ЁХОТМ, 2006 й.
- ▶ 17. «Ёнгинларни суриштириш» фанидан электрон вариантыдаги маърузалар туплами.
- ▶ 18. Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнгин назорати тугрисидаги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 227-сонли қарори билан 1993 йилнинг 17 майида тасдиқланган).
- ▶ 19. Давлат ёнгин назорати органларининг ишини ташкиллаштириш Кулланмаси (ЎзР ИИВнинг 344-сонли буйруғи билан 1993 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган).
- ▶ 20. ЎзР Жиноят Кодекси, 2001 й.
- ▶ 21. ЎзР Жиноят-процессуал Кодекси, 2001 й.
- ▶ 22. Мегорский Б.М. "Методика установления причин пожаров" - М. : Стройиздат, 1966.
- ▶ 23. Федотов А.И. , Ливчиков А.П. , Ульянов Л.Н. "Пожарно-техническая экспертиза" - М. : Стройиздат, 1986.

- ▶ Курс лойиҳасининг тахминий мавзулари:
- ▶ Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқиш тартиби.
- ▶ Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- ▶ Ёниш жараёни. Ёнувчи тизим, унинг турлари.
- ▶ Ёнишнинг физик-кимёвий асослари, унинг вужудга келиш сабаблари.
- ▶ Бино ва иншоотларнинг ёниғиш ва портлаш хавфи бўйича тоифаланиши.
- ▶ Ёнилғи қуйиш шохобчаларини лойиҳалашда қўйиладиган меъёрий талаблар.
- ▶ Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби.

- ▶ Технологик жараёнларни бажаришда машина ва механизмларни, техник қурилма ва ускуналарни ишлатишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.
- ▶ Ёнғин вақтида одамларни бинолардан эвакуация қилиш усуллари.
- ▶ Портлаш ҳодисаси ва унинг умумий тавсифи ва портлаш сабаблари ва оқибатлари.
- ▶ Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш режалари, уланинг тузилиши, унга қўйиладиган талаблар.
- ▶ Тоифаланган объектларда электр мосламалари билан ишлаганда ёнғин хавфсизлиги таъминлаш чора-тадбирлари.
- ▶ Ёнғин ва портлашдан зарар кўрганларга биринчи ёрдам кўрсатиш.
- ▶ Саноат корхоналаридаги омборларда ҳамда сиқилган ва суюлтирилган газлардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.

Кимё саноатида ёнғинларни ўчиришни ташкил қилиш.

Эътиборингиз учун
рахмат!